
109 Ёшли Шаҳри Момога Давлат Мукофоти Топширилди

Президентимиз фармонига кўра, Ватанимиз мустақиллигининг ўттиз уч йиллиги арафасида юз ёшдан ошган бир гуруҳ нуронийлар “Шухрат” медали билан тақдирланди. Улар орасида вилоятимиздан Олтиариқ туманилик Шаҳри момо Тешабоева ҳам бор.

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Зилха маҳалласида яшовчи 109 ёшли Шаҳри момо хонадонидан бўлди.

Шаҳри момо 1915 йилда Зилха қишлоғида туғилган. Онахон турмуш ўртоғи Деҳқонбой ота Тешабоев билан 3 ўғил, 3 қизни тарбиялаб, уйли-жойли қилди. Бугун 27 нафар невара, 50 нафардан ошиқ чевара ардоғида умргузаронлик қилаётган Шаҳри момо ҳаётидан мамнун.

Вилоят ҳокими онахонга давлатимиз раҳбари номидан "Шухрат" медали ва байрам тухфаларини яқинлари даврасида топширди.

Дориламон кунлар шукронаси, тинчлик-осойишталик неъматини ҳақида суҳбатлашилди. Онахон дуога қўл очиб, тинчлигимизга кўз тегмасин, халқимизнинг боши омон бўлсин, эзгу ишлар бошида турган Президентимизга куч-қувват берсин, - дея дуо қилди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг

[Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2024-08-30 14:19:31